БАЙРОН ВА АМИР ТЕМУР

К.Ж.ЖЎРАЕВ, З.МУЛЛАЖОНОВА

Мақолада инглиз шоири Ж.Байроннинг ҳозиргача ўрганилмаган насрий асари – “Калил эртаги” ҳикояси қисқача таҳлил қилинган. Байроннинг насрдаги ягона асари бўлмиш ушбу асар Амир Темур образининг яратилиши нуқтаи назаридан ўрганилган.

Калит сўзлар: *Байрон, “Калил эртаги” ҳикояси, Амир Темур, соҳибқирон, Самарқанд ғалаёни.*

В статье представлен краткий анализ еще не изученного в литературоведении прозаического произведения Байрона – рассказа «Сказка Калила». Единственное прозаическое произведение Байрона исследуется авторами с точки зрения создания в нем образа Амира Темура.

Ключевые слова: *Байрон, «Сказка Калила», Амир Темур, великий полководец, смута в Самарканде.*

The article presents short information dealing with the analysis of Byron’s work “The story of Kalil’ which has not been studied in the theory of literature well enough. The attention of the authors is directed to the depiction of the image of Temur the Great in this story.

Жаҳон адабиётида Амир Темур мавзусининг ёритилишини ўрганиш борасидаги изланишларимиз ижобий натижа берди: Буюк Британиядаги ҳамкасбларимиз ёрдамида бизни қизиқтирган мавзуга оид материални топишга муваффақ бўлдик. Натижада, аввало, В.Г.Белинский «Англиянинг забардаст шоири» деб атаган Жорж Байрон (1788-1824)нинг ижодий мероси, айниқса, унинг ижодидаги Шарқ мавзуси ҳануз охиригача ўрганилмаганига амин бўлдик. Мақолада шоир ёки драматург Байрон ҳақида эмас, балки носир Байрон ҳақида фикр юритамиз, хусусан, унинг Амир Темур ҳақидаги ҳикоясини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу ҳикоя шоир архивидан топилган ва ҳанузгача Байроннинг бирор бир тўпламида чоп этилмаган [1], бу эса тадқиқотимизнинг илмий янгилигини асослайди.

Буюк соҳибқирон ҳақидаги “Калил эртаги” номли ҳикоя 1816 йил 14 мартда ёзилган. Инглиз тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, қўлёзмадаги ушбу сана шоирнинг ўз қўли билан битилган. Ҳикояда 1398 йилда, Амир Темур Ҳиндистон юришида бўлган вақтда, Самарқандда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тасвирланади.

Эгасиз қолган Самарқандда соҳибқироннинг сафардалигидан фойдаланиб босар-тусарини билмай, маишатбозликка берилиб кетган зодагонларнинг ножўя, адолатсиз хатти-ҳаракатларидан норози бўлган халқ исён кўтаради. Исёнчилар Эрон қироличаси София ҳузурига Калил бошчилигида элчи жўнатиб, Самарқандни ўз паноҳига олишни сўрайдилар. Лекин вазиятни тўғри баҳолай олган ва соҳибқиронга содиқ элчи йўлдан бурилиб, Деҳлига, Амир Темир ҳузурига ошиқади.

Бу ерда Байроннинг буюк саркардага бўлган муносабатини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Байрон ўз даврининг таомилига кўра, Амир Темурни “бешафқат ҳукмдор”, “бутун Осиёни ўзига бўйсундирган” ва “Европанинг баъзи ўлкаларини ер билан яксон қилишдан ҳам тоймайдиган Оқсоқ Темур” деб атайди. Амир Темурнинг исёнчилар ҳавойи умидларига бўлган муносабатини Байрон қуйидагича ифода этган: «Темурланг Софияни мумиёга айлантириб, самарқандликлар мурдасидан бино қилинган эҳром чўққисида қад ростлаб ўтириши учун ҳеч бир куч ва баҳонанинг ҳожати йўқ”. Байрон Темурни таърифлаганда холисликни ҳам унутмайди. “He knew that Tamerlane neither wanted the power nor the will on the smallest pretext to make a mummy of the Sophi” деб ёзар экан, София ва бузғунчиларни тийиб қўйиш учун Амир Темур ҳамма нарсага қодир ва ҳеч нарсага муҳтож эмаслигини таъкидлайди. “Темурга ҳеч қандай куч ва ҳаракат керак эмас” деган сўзлар соҳибқироннинг ҳарбий устомонлиги ва маҳорати ёзувчи томонидан тан олинганини кўрсатади. Темур ҳақида «ҳатто беморлигида ҳам ҳеч бир ишни кейинга сурмайдиган шахс» [for Timour was a man of business, and though indisposed, would postpone nothing] деб ёзади. Байрон «Темурланг *бир сўзли одам* эди» [Tamerlane was not a man of many words] деб таърифлаши тарихий ҳақиқатга содиқ қолганидан далолат.

Асар тилида Амир Темурга нисбатан айтилган мақтов, ҳамду саноларни Байрон айнан шарқона услубда беришга ҳаракат қилган. Масалан, муаззин самарқандликларга мурожаатини «Забардаст ва енгилмас, сўзлари доно, ишлари мурувватли, Ой ва Қуёшнинг иниси, сайёраларнинг суюклиси, узоқ юлдузлар сарвари, бутун олам-жаҳонда тенги йўқ ҳукмдор Темурланг номи билан...» (ас-

лиятда: “In the name of Timour the lame – whose form is perfection – whose word is wisdom – whose deeds are mercy – the brother of the Sun and Moon – cousin to the planets – and a distant connection of the remotest stars – the king of the world, to whom nothing can be refused – and if it is refused is taken nevertheless), деб бошлайди.

Ҳикоя Байроннинг ислом динидан, Қуръони карим ва улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётидан яхшигина хабардорлигини кўрсатиб туради. Масалан, “...he became furious, and swore by the pigeon that picked the peas from the ear of Mahomet, and by the hump of the holy camel...”, яъни ўзбекчада: [Темур] ғазабланиб, Муҳаммад (с.а.в.) қулоғидан нўхат чўқиган *кабутар* ва муқаддас *туя* ўркачи билан қасам ичди» жумласида андак юмор эффекти сезилиб турса-да, ундаги «кабутар» ва «туя» сўзлари Қуръондаги мажозий муқаддас жониворлар образларини эслатади. Тагматнда Муҳаммад (с.а.в.) нинг иккала кураги ўртасидаги туғма холи ёки илоҳий муҳр ҳақидаги маънони уқиш қийин эмас. Ушбу муҳрнинг катталиги *кабутар тухуми* билан тенглаштирилади (бу муҳр араб тилида «Муҳри нубувват» дейилиб, унда *«Эй, Муҳаммад, Сиз етишган даражага ҳеч ким етолмас, Сиз барча пайғамбарлар орасида энг сўнггисисиз. Сизга ҳамиша омад ёр бўлади»* [2.134] деган сўзлар ёзилганлиги маълум).

Қуръони каримнинг «Анфол» сурасида шундай оят бор: «Кофир бўлганларнинг сизни асир олиш ё ўлдириш ёки (юртдан) чиқариб юбориш учун макр қилганларини эсланг! (Улар) макр қиладилар. Аллоҳ ҳам макр қилади. Аллоҳ макр қилувчиларнинг яхшисидир» [4.180]. Инглиз тилида қуйидагича жаранглайди: “And (remember) when disbelievers plotted against you (O Muhammad صلي الله عليه وسلم) to imprison you, or to kill you, or to get out (from your home, i.e. Makka); they were plotting and Allah too was planning, and Allah is the Best of the planners”. И.Ю.Крачковскийнинг русча таржимасида шундай дейилган «Вот ухищряются против тебя те, которые не веруют, чтобы задержать тебя или умертвить, или изгнать. Они ухищряются, и ухищряется Аллах. А ведь Аллах – лучший из ухищряющихся» [5.112]. *Макр*нинг маъноси шундайки, мажусийлар таъқибидан қочиб, Муҳаммад (с.а.в.) ҳамроҳи Абу Бакр Сиддиқ билан бирга Савр тоғи ғорида яширинишган. Илоҳий қудрат билан шу лаҳзаёқ ғор оғзига ўргимчак қалин тўр тўқиб улгурган ва у ерда яна *кабутар* тухум қўйган ин ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳолат эса у ғорга анчадан буён ҳеч ким кирмаганидан далолат беради.

Байрон ҳикоясида Амир Темур фитначиларни жазолаш учун кулранг *туя* ўркачи билан қасам ичади. Бу ерда ҳам пайғамбарамиз (с.а.в.) ҳаётларига, ҳижрат даврида Мадинаи мунаввара масжид қурилиши билан боғлиқ воқеаларга ишора бор. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айнан ўша кулранг туяси чўкиб “кўрсатган” жойда масжид қуришни буюрганлар.

Байроннинг мазкур асари кенг миқёсли бўлиб, унда солиқ тўловчилар, оддий шаҳарликлар ва ҳунармандларнинг оғир аҳволи, юртда фитна, суиқасдлар, турли-туман иғволарининг зўрайиши каби мавзуларни қамрашга ҳаракат қилинган. Бизнингча, асар жанри *эртак* деб аталгани билан, аслида у эртак эмас, ҳатто ҳикоя ҳам эмас, балки тарихий роман учун мўлжалланган эскиз ёки қоралама режадай кўринади. Кейинги изланишларимиз бу борадаги қарашларимизга аниқлик киритади, деб умид қиламиз.

Адабиётлар:

1. consultanc@gbod.demon.co.uk.
2. Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. 2-китоб. – Т.: Мовароуннаҳр. – 2005.
3. The noble Qur’an in the English Language. Al-Madina Al Munavvara. – 1994.
4. Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири, 3-нашр.Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, – 2009.
5. Коран. Перевод И.Ю.Крачковского. – М.: Вектор СП, – 1990.

Андижон давлат университети
2014 йил 3 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Г.Сатимов)